



Юлдуз Юбдуллаева билан суҳбатни газетамизнинг 8-саҳифасида ўқийсиз

УШБУ СОНДА:

3-БЕТ

БАЛОҒАТ БЕКАТИДАГИ ҚИЗЛАР
ГУРУНГИ

• ЧИМИЛДИҚ — БАХТНИНГ
КАЛИТИ

Тўй кечаси ҳамманинг
диққат эътибори
келинчакда бўлади. Унинг
ҳар бир ҳаракати, қадами
нигоҳлар таъқибда
бўлади...

Нега шунча ўт нигоҳ ку-
ёвга эмас келинчакка
қаратилади...

4-БЕТ

АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ:

• ТУҲФАТ УЛ — МУЛУК

5-БЕТ

• ТўРТ ОЁҚЛИ ҚИЗ
ТУРМУШГА ЧИҚДИ

6-БЕТ

• МУСУЛМОН

КОМАНДАСИНИНГ СИРИ

1925-26 йилларда
Қўқонда "Мусулмон
командаси" номи остида
футбол жамоаси вужудга
келди...

7-БЕТ

• ПАНЖАРА

• БЕШ ТОННА ЮК
КўТАРУВЧИ МУДИР

• ҚўЙ КЕТДИ, ЭЧКИ КЕТДИ...

ХОРИЖЛИКЛАР ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси
Буюк Британия ешлар клублари уюшмаси аъзолари
Жесси Тот хоним, жаноб Питер, жаноб Жон ва
Европа ҳамжамиятининг масъул ходими шведиялик
Улле Бергвист хоним таширифи буюришди. Меҳмонлар
ва мезбонлар кам таъминланган оилаларга ердан
бериб, оила оstonасида турган ешлар тарбияси ва
жамият учун соғлом авлод тарбиялаш борасида ўзаро
фикр алмашишди. Жамғарма раисаси И. Юсупова
меҳмонларга жамғарма фаолияти ҳақида сўзлаб
берди. Келгусида бу ташкилотлар ўзаро ҳамкорлик
қилишлари ҳақида келишиб олишди ва албатта
суҳбат Ҳожибой айтмоқчи бир шиела чой устида
бўлиб ўтди.

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Майкл Жексон ва Лиза- Мэри Пристли:

Муҳаббатми еки ажойиб бизнес

Икром Искандар:

Ғаллаороллик қор устида ухловчи одам

Эркин Эшонқулов:

Чет элга қандай артистлар юборилади?



«Оила ва жамият» 43 [166]

«ЁШОН КЎРТАН АШУЛАМ»

Севимли домламит Омонилла Мадаев навбатдаги дарсни ўтарканлар, тошшириқ берди:

— Қани ўзбек халқ куйларидан билганингизни езинг. Бир минут вақт бераман.

Маълум фурсатдан кейин талабалардан нечта куй номини езганлигини сўрадилар. Сабоқдошларимнинг айримлари езган куйларнинг номи 5-6 та эди. Бу манзарани кўриб, ўйга чўмиб кетдим...

1990 йили биз, бир гуруҳ ўқувчилар Гуржистонга боргандик. Гуржилар кувноқ, куй қўшиқни жуда севадиган халқ. Уларнинг уйда яшаганимизда ҳам, автобусда бирон жойга борсак ҳам, Қора денгиз бўйида юрсак ҳам уларнинг кўшиқлари баралла янгради. Сухбатлашиб ўтирганимизда енгил-елли кўшиқларни севадиган бир дугонам бу кўшиқлардан

зерикиб, илтимос қилди:

— Биттанглар ўзбекча ашула айтиб беринглар.

— Мен айтсам, фақат “Қаро кўзим” дан оламан-да, кулдим мен.

— Майли, энг ёмон кўрган ашулам бўлса ҳам эпитама. Ўзбекча бўлса бўлди.

Унинг гапига истехзо билан жилмайдим.

Чунинчи, баъзи ёшларимиз руҳиятида халқ мусикаларига, қўшиқларига нисбатан шунақа кайфият ҳукмрон. Кўча-куйда хориж мусикасига, ашуласига тушуниб-тушунмай “сакраётган” айрим тенгдошларимнинг миллий куй-қўшиқларимизга афтини буриштириб қарашни эса тоқатимни тоқ қилади. Ва “нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан” деган мақолни эслайман-у ўз-ўзимдан ачинаиб кетаман.



Шарофатлик дунем ичра машриқлардан, Магриблардан марғуб еллар елажаги Очилмоққа даъват этган гунчаларда Кўринмоқда набиранинг келажаги.

Кўқисдан отилган ўқ мўлжалга аниқ текканди... Пушаймонлар, йиғлашлар-сикташлар, боринги, бари оху-нола отилган ўқни жойига қайтара олмади. Қарабизки, бир одамнинг юлдузи бевақт сўнди. Афсуски, бу одам кўзлари очик кетган онаизору, милтиқ ушлаган унинг тўнғич ўғли эди.

Бу воқеага анча йиллар бўлганди. Менинг эски ярани қайтадан янгилаш ниятим йўқ. Фақат бутун бир оиланинг “битта ўқ” билан портлаб, парчаланиши сабаби ҳақида фикрлашмоқчиман холос.

Оиладаги тез-тез бўлиб турадиган уруш-жанжаллар, келишмовчиликлар болаларнинг бошқа муҳит таъсирга тушиб қолишига сабаб бўлди. Бу оила фарзандларнинг безори, бадахлоқ бўлиб ўса бориши кўни-қўшини ҳам қийин аҳволга солиб қўярди. Чунки бу болалар ҳақида шикоят қилинса, ота-она фақат калтакка зўр бершарди. Тарбиянинг улар танлаган усули оиладаги беқарорликни юзага келтирди. Болалар катта бўла борган сайин ҳатто ота-онага гап қайтарадиган одат чиқаришди. Хуллас, олдиндан қанақади

фожеанинг ҳиди кела бошлади. Оиланинг жилови эса қўлдан чиққан, ҳар ким ўз йўлидан кетарди.

Ҳатто фарзандлардан биттаси қинғир йўллардан бири бўлган ўғирликка ўрганди. Таассуфки, у ўғирликни дастлаб ўз уйдан турли хил буюм, пул ўмарий билан бошлади. Бошқа фарзандлар ҳам енгил-елли ҳаёт оstonасига қадам қўхётганди. Ота-она болаларини бу йўллардан қайтариш учун

Шу тариқа оилада инсонларни бир-бирига боғловчи нозик ришталар тараңлаша борди.

Бир кунини уйига ширакайф ҳолатда келган тўнғич ўғил онасига “эркалик” қила бошлади. Супра ёзиб, хамир қораетган, бунинг устига уй ишларидан чарчаган онага фарзандининг ўзини бундай тутиши сира еқмади. Шунинг учун у ўғлининг гапларига терс жаваб қайтарарди. Онанинг жаҳлини чиқариб, хўмори ёзила бошлаган

КЎЗГА МИХЛАНГАН ӨЗӨР

қандай тазйиқ ўтказмасин, ҳеч қанақанги ўзгартиш кўришмасди.

Бу орада тўнғич ўғил жамият учун зарарли ва юқумли бўлган гиёҳвандлик касалига дучор бўлди. Энди ота ўғилларини калтакламас, эниқроғи кучи етмас, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан бошқа иложи қолмаган эди. Фарзандларнинг волидаси дам уларга яхши гапириб, дам қарғаб-сўкиб йўлга солинишига уринарди. Гапи таъсир қилмаганини кўриб, бирорта ҳам қиз бермагани учун худодан зорланарди, она.

ўғил ичкариги уйга кирди. Ва беҳосдан отасининг деворда осийлик турган ов милтиғига кўзи тушди. Миясига ярқ этиб келган фикрдан юзига табассум югурди. Тепасида милтиқ ўқталиб тиржайиб турган ўғлига кўзи тушган она тили калмага келмай қотиб қолди.

— Бошқа ўғилларингизга пул берасиз-у, бизга йўқ эканда. Яхшиликча топиб беринг, бўлмаса отаман— деди илжайиб оёғида зўрга турган тўнғич ўғил.

— М-милтиқни қ-қўй болам, одамга тўғрилама гуноҳ бўла....

Етти кун

ҲАШАРЧИННИНГ “ҲИММАТ”И

Пахта теримининг авж палларарида Ғузур тумани Апарда қишлоғилик бир жаноб ҳам ўзини теримга урди. Қаранги, у ҳашарчилар орасида энг “тадбиркор”и бўлиб чиқди. Афсуски, сир очилиб қолди-да... У, Охунбобоев жамоа-ширкат ҳўжалиги даласида пахта эмас, шахсий қорамоллари учун кўсак тераётгани маълум бўлди. Эндигина 6 кило кўсак териб улгурган “тадбиркор” яхшигина “тақдирланди”. Халқ суди унга беш кеча-ю беш кундуз қамоқ жазоси белгилади.

ҲАММА БЕКОРЧИЛИККА ҚАРШИ

Ғаллаором тумани Авлиё қишлоғилик ёшлар фойдаланилмай турган чойхонада биллиард хона очиб олишди. Ёшларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турадиган қишлоқ кексалари ҳам бунга қарши чиқмади. Оқсоқоллар бу ерда доим ғўж бўладиган биллиардсеварлардан қишлоқ аҳли манфаати учун фойдаланишни ўйлашапти. Ҳозирча Авлиёда ўтадиган турли маъракаларнинг сабзи-пиёзини шу ерда тўғраб бериш мўлжал қилинди. Худо хоҳласа, маърака эгалари бир чикимдан озод бўладиганга ўхшайди.

ХҲРОЗНИНГ ТУРГАН-БИТГАНИ ҲАЗИНА

Худо “Олқулим” деса қўша-қўша келаверар экан. Қўшработ тумани Қувқалла қишлоғида яшовчи бир киши яқинда хўрозини сўйиб, сал бўлмаса хўроздай қичкираезди. Бабақанинг тош бўйрагидан мошдек келадиган тилла чиқди.

Анахонимиз қўлоғимизга бир сирни шипшиб қўйди. “Яқинда Зармитон тилла қонидан чиқитга чиқариллиб ташланган тошларни келтириб уй тиклаган эдим. Хўрози қир гур нуқул шу ерда айлангани-айланган эди-я”, деди у.

БИР ҲЎКИЗНИ “ЕГАН” ХҲРАНДА

Музработ тумани Ал-Ҳаким ат-Термизий жамоа ҳўжалигидаги “Неъмат” хўсусий ресторани ўз фаолиятини тўхтатди. Сабаби, хўрандаларнинг аксарияти насияга овқатланишга одатланиб қолдилар. Ҳамёнларида бир тийиндан дарак бўлмаган баъзи бир жанобларнинг ўзлари билан бирга 3-4 меҳмонни бошлаб келиши ҳам ресторан ходимларининг ҳафсаласини пир қилди. Айрим хўрандалар 4 минг сўмга қадар қарзга ботишди. Яқинда улардан бири насияга еган овқатлари ҳисобига тўпланган катта қарзи учун боқувдаги катта ҳўкизни бериб қўтулди.

ҒАЗЕТАНИНГ ЎЗ КЕМАСИ БОР

“Сурхон тонгги” вилоят газети ходимларига мазза бўладиганга ўхшайди. Яқинда Термиз шаҳар ҳокимияти ва шаҳар атамалар комиссиясининг қарорига биноан қўҳна Амударёда сузувчи энг катта теплоходлардан бирига “Сурхон тонгги” деб ном берилди. Бу нарса газет ташкил этилганининг 60 йиллиги муносабати билан амалга оширилди.

ҚЎТОННИНГ ЭШИГИ ОЧИҚ ҚОЛДИ

Сирдарё вилояти “Янгиер” ширкат ларуошмасида бўлим бригадири бўлиб ишловчи элдошимизнинг бор будини-қўтонда турган 15 бош қўйини ўғрилар ҳайдаб кетди. Инсофини ютган ўғриларнинг дараги чиқмади.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЙИЛАНДИ.

— даҳшатли янграган милтиқ овози онанинг гапини бўғизда қолдирди.

Бахтга қарши милтиқ ўқланган экан. Ўғилнинг қилган бу қўпоп ҳазили зилга айланиб кетди. 17 ёшда у ўз волидасининг қотиллига айланди, қўли қонга ботди. Бебош укалари ҳам чирқираб қолишди. Фарзандларнинг отаси эса телба намо бўлиб қолди. Қотил ўғилни эса укаларига бош-қош бўлар деган мақсадда қариндошлар жинойи жавабгарликдан сақлаб қолишди.

Жоҳиллар иғвосига учиб

отасини ўлдирган Абдуллатифга тарих падаркуш деган тамгани босди. Онасини отиб ўлдирган бу бебош фарзандага эса барча тавқиланатни чапласалар ҳам оз деб ўйлайман.

Агар фаҳмлаган бўлсангиз, асил фожеа милтиқнинг отилиб кетганида эмас. Балки бу совуқ яроғнинг онага, қолаверса, инсонга қаратилганидир. Зеро, онанинг очик қолган кўзлари ҳам юракка қадалган ўқдан эмас, қалбга миҳланиб қолган озордан сўзлаётгандай эди...

ЧИМИЛДИК — БАХТНИНГ КАЛИТИ

Айтишларича тўйда дўсту душмани холису нохолис барча кишилар қатори пари-ю фаришталар, етти пушт нарида ўтган арвоҳлар руҳи ҳам иштирок этар экан.

Тўй кечаси ҳамманинг диққат эътибори келинчақда бўлади. Унинг ҳар бир ҳаракати, қадами нигоҳлар таъқибда бўлади. Албатта бундан пари-ю фаришталар, арвоҳлар ҳам муस्तано эмас.

Нега шунча ўт нигоҳ қуёвга эмас келинчаққа қаратилади, деган савол кишини ўйлантиради.

Тангри тасло Одам атони яратаётганда унинг жисмини тупроқдан бор этган. Момо Ҳавонити эса Одам атонинг қовурғасидан янги этидан бунёд этган. Энди тасаввур қилинг, бутун бориққ тўрт унсурдан иборат. Бу унсурларнинг бири тупроқ. Қолган уч унсурни тупроқ организм сифатида қабул қилади. Улар ташқи таъсир бўлиб тупроққа зиён етказолмайдилар. Ут ҳам ёндиролмайди. Эт эса ўтда қуяди, сув, ҳаво ва тупроқдан ўз организмга ет нарсалар, ифосликлар юктириши мумкин.

Пари-ю фаришталар ҳам ўту унсурга мансуб бўлиб, париларни ўтдан, фаришталарни ўтинг ёлқинидан яратган. ("Киссаси Рабгузий" 1-Китоб)

Демак, булар келинчақнинг покиза бадағига, руҳига, саломатлигига тажовуз қилиши мумкин экан.

Яна онамнинг бир гаплари доим

қулоғимда жаранглаб туради. У киши айтган эдилар, аёл киши оппоқ ипакка ўхшайди. Ипакни хас-хашақ, тупроқ, ифлос ерга бир теккизиб кўр қани. Кейин уни тозалаб, ўз ҳолига қайтара оласанми?

Аёл-ипак. Уни эҳтиётлаб, ҳар нарсадан покиза сақлаш керак, дейдилар.

Халқимизда удум сифатида сингиб кетган кўпгина иримлар бор. Уларни тўйда, тўйдан олдин-кейин бажаришади. Иримларда ҳақиқат бор. Масалан янги тушган келиннинг хонадон ёлғиз қолмасин деб қозон, пичоқ қўйилади. Қозон-гарчи қорайсада оловнинг тафтига дош бера оладиган нарса. Пичоқ эса оловнинг ёлқинидан емирлади, аммо чархланади.

Демак, бу икки асбоб олов унсурига тегишли бўлган пари-ю фаришталарнинг тажовузидан янги хонадон ва соҳибани асрай олади. Шунинг учун айнан қозон билан пичоқни танлашади. Шундай бўлсада чимилдик ортда келинчақни ёлғиз ухлаб қолишига рухсат беришмайди. Парилар гафлатдан фойдаланиб ёмон ниятларини амалга оширишлари мумкин. Аммо, фаришталардан яхшиликларини ҳам умид қиладилар. Масалан қуёвнинг тўнини

кўклаганларида оқ ипдан фойдаланадилар. Чунки, бу оқликни фаришталар қуёвни кўнглига кўчириб, уни жуфти ҳалолига хенат қилишдан сақлайди.

Тўй куни келинчақнинг қўлини унга, ёққа, бугдойга ботирадилар. Бунинг ҳам ўз рамзий маъноси бор, албатта. Фаришталар, парилар гувоҳлигида Яратгандан янги рўзгор учун ризқ сўрайдилар. Кексаларга қўшилиб фаришталар ҳам дуо беришади.

Халқимиз бекорга фаришталар омин дебди ёки бўлмаса, ёмон гапирма фаришталар омин дейди, деган ибораларни ишлатмайди.

Айниқса, тўйларда шунинг учун ҳам фақат яхши тилаклар билдирилади.

Аёл киши оғир касалга чалинса ҳам париларга, фаришталарга учрабди дейдилар. Бу ҳам ўша тўй оқшомига боғлиқдир.

Келинчақ тушиб боргандан кейин қирқ кун чилла сақланади. Бу вақт ичда гўшанда икки вужуд фаришталари бири-бирига руҳий боғланадилар. Шунинг учун чилла тутилади.

Фаришталар жаннатда Одамдан олдин



яралган. Худонинг инояти ила улар Одамга имон келтирганлар. Шунинг учун улар Одам авлодларини хизматида бўлишади. Фақат сиз покиза, ҳалол ва имонли бўлиб ўз хонадон ва кўнглингиз тахтидан жўй бера олинг.

Ўз уйингиз, ўлан тўшагингиз бўлмиш чимилдикқа фаришталар келинчақ бўлиб келинг. Агар шундай қилсангиз бир умр чимилдикдаги фаришталар сизга хизмат қилади. Бахтли яшашнинг калити чимилдик фаришталаридадир.

У. ХОННАЕВА

Ўкинч

АЗИЗЛИК ТАХТИДАН ТУШГАН АЗИЗИМ

Азиз ҳамон бекфарзанд. 10 йил ичида бир неча марта уйланди ҳам. Аммо бефойда... "Ҳафизани қариши урди деган ўй Азизнинг бирдан-бир юпанчи. Ҳа уни Ҳафизанинг қаришлари, шунингдек, муҳаббатни унсиз ошлари урган бўлса ажабмас. Мусичага озор берсақ бобо-бувимиз, тегинма сени қаргайди, уволига қолмагин деб урилардилар. Севги ҳам илоҳий бир тўхфаки унга беписанд, безътибор қараш Оллоҳнинг қаҳрига сабаб бўлмай. Шу хаелларга бориб, Ҳафиза билан танишишга унинг дил сўзларини ўзидан эшитишга опшқларим.

"Биз бир синфда ўқирдик, — дея у ҳикоясини бошлади. Бир-биримизга бўлган ҳурмат аста-секин севгига айланганини сезмай қолдим. Энди уни кўрмасам юрагим кўксимга сирмай қолар, гўё қафасга тушган қушдек типисчиларди: зеро, аёллар

ақл билан эмас, кўз билан севадилар. Мактабни таттағач совчилар опшгимиз зулфини буза бошладилар, менинг кўнглим эса Азизда эди. Азиз хизматга жўнади. Мен уни куттишга ақл қилиб хайрландим. Мактублар севи ҳароратини юмшатиб турарди. Бу орада бир ярм йил ҳам ўтиб кетди. Не-не жойлардан совчилар келмади дейсиз. Эра қиз бўлганим учунми ота-онам озимни пойлашди. Барча йигитларни рад қилиб, елғиз Азизни кўтардим. Эҳ, ушанда ота-онам мажбурлаб бўлсада бирор йигитга беришганда шу кунларга тушмасдим. Мен Азизни қаттиқ севадим, у ҳам ширин хатлар езарди. Хат келди. Азиз яқин кунларда келишини, висол онлари ақиллигини, ҳижрон даиларни энди ортда қолганлиги ҳақида қувониб езганди. Ана энди мен тентакни кўриб, бир гашириб ўн куламан. У ёққа чопаман, бу ёққа чопаман —

ипшини тайини йўқ. Эшик тиқ этса кўчага югураман. Бир кун... Эҳ ўша кун... Ширин хаелларга берилиб, ясаниб, сочларимни оркам билан битта қилиб ўририб, чиройли кийимларимни кийиб, ўчоқда овқат қилаётганим. Хаелга берилибман шеклили, оловни учи сочларимни ўз домига тортиганини сезмай қолдиман. Либосларим ена бошлагач, эс-хушимдан айрилиб, жон ҳолатда ўзимни оғилга урибман. У ердаги куруқ хашақлар шундай ендик... олов ичида хушдан кетиб, касалхонада ўзимга келдим. Ҳамма ерим ачишиб оғрир, ўзимни ўткир пичоқ устида етгандай сезардим.

Тақдирини қарантки, касалхонага тушган куним Азиз хизматдан қайтиб келибди. Хушимга келмай 2 кун етибман. Шу кунларни у келиб кетибди. Келганини эшитиб шу қадар қувондимки... Ва ниҳоят шунчалар соғингандим — Азиз сенимга келди. Мен унсиз боқиб, иччимдан эзилардим. Чунки гапиритишга аҳволим йўл қўймади. Азиз менга ачингандай бўлиб, таскин бериб кетди. Ва шу кетганича қайтди. Мен уни келишини кутиб оғлаб эшик пойладим. Ниҳоят учинчи ой ўтгач жаовб беришди. Кела солиб ойнага боқдим, боқдимку кўзгудаги кизин таний олмадим. Тикилиб қарагач у қиз менинг ўзим эканлигимни билгач, кўзгунини чилларчин қилиб синдириганимча, хўшраб йиғладим. Шунда ҳамма-ҳаммасига тушундим. Азиз шу пайтга қадар ҳуснини, гўзаллигини севаган экан, мени эмас... Улардан айрилганим учун Азиз мендан воз кечди".

Ҳафизанинг оҳидан дуд чиққудек эди. Ҳафиза ўзга бир йигитдан бахтини топган. Бир-бирдан ширин ўғил-қизлари ҳам бор. У йигит Ҳафизани еру кўкка ишонмайди

Кўнғилдаги гаплар

Кўнғилда гап кўп. Унинг сир-синоатини билиш ва англаб олиш анчагина мушкул. Худди шу мулоҳазада турли ешдаги ва турфа қарашдаги қизларнинг бугунги кун, умуми, ҳаёт тўғрисидаги фикрларини "Кўнғилдаги гап" руқни остида бериб боришни ниҳят этдик. Азиз газетхон ушбу руқни сизга ҳам маъқул келиб, айтадиган гапингиз чиқиб қолса, марҳамат...

Ш. ҚОСИМОВА. (Тошкент Давлат Дорилфунуни талабаси. 19 ёш)

— Қизлар ошанинг ениб турган чиройи. Рўзгорнинг саришталлиги, ошанинг тинчлиги аёлга-онага боғлиқ. Мен вазмин, босиқ, очиқ кўнгли қизларни еқтираман. Баъзи қизлар ҳаддан ортиқ мағрур, калондимоғ бўлишади. Қиз бола учун ўта мағрурлик ҳалоқат, бахтсизликдир. Қизлар кеңирлими, очиқ кўнгли бўлса жўда яхши.

З. САБДУЛЛАЕВА. (Тошкент Тиббиёт Олийгоҳи талабаси, 23 ёш)

— Мен аввало қиз бола бўлганимдан фахрланаман. Қизлар қиз бола бўлганидан пўшаймон эканлигини айтиб нолихиса гашиш келади. Ахир нимаси емон, қиз бола бўлсанг, бунинг устига гўзал бўлсанг... Қандай бахт. Ҳозир ҳамма қизлар бойлик, шон-шўҳратга қизиқишади. Тўғри қилишади. Масалан мен бой яшашни хоҳлайман. Қанийди, мени ҳамма бой қиз деса... Бой бўлсам: еганим олдимда емаганим ортимда бўлса...

Н. ЖУМАНОВА. (Доришнослик Олийгоҳи талабаси, 19 ёш)

— Қизлар ҳақида қизлардан эмас, йигитлардан сўраш керак эди-да. Қизларга биздан кўра, йигитлар зўр таъриф беришади.

Мен қизларнинг жўда ҳам илмли, зўкко бўлишларини хоҳлайман. Бойлик, мол дунёга учган қизлар бир кун панд еб қолиши аниқ.

Х. ГАФФОРОВА. (Тошкент Тиббиёт Олийгоҳи талабаси, 22 ёш)

— Қиз бола бўлсанг яхши. Айниқса, одамлар сенинг ноизиқлигини, оқиллигини ҳар дақиқада ҳис қилиб

туришса, яна ҳам яхши. Мен қизларнинг зўёқ жойлардан келиб ўқиб кетишини шарт деб ўйламайман. Агар эри иш-билармон бўлса, аёлга фақат рўзгор ишлари кифоя.

Н. ВАҲОБОВА. (Тошкент Тўқмачилик ва Енгил Саноят Олийгоҳи талабаси, 22 ёш)

— Менинг ўғил бола бўлгим келади. Оиламизда ўғил болалар кўп, буни қарантки, яна ўғил болалар ўқийдиган олийгоҳга ўқишга кириб қолибман. Уларга ҳавасим келади, хоҳлаганини қилишади. Мабода ўғил бола бўлганимда ҳамма нарсани ташлаб чет элга жўнаворардим. Афсус, қиз боламан-да, кўп имко-ниятларим чекланган.

Г. НИЁЗОВА. (Тошкент Техника Дорилфунуни талабаси, 21 ёш)

— Олийгоҳимизда қизлар жўда кам ўқишади. Биз — қизлар доимо йигитларнинг қизиқишади. Бирни қўшиб, бири гапга солишади. Чиройли қизларимизнинг эса ошиғи олий, ҳатто доғларимиз ҳам чиройли қизларни яхши кўришади. Баъзилар сочини қирққан замонавий қизларни еқтиришмайди. Менимча, нотўғри қилишади. Майли қизлар сочини қирққисан, замонавий кийиниб юрмисан, ярашса, гўзал бўлса бўлди-да, яна нима керак уларга. Ймон ташқи қуриқлиқда намоён бўлмайди, кўнғилда бўлади.

Д. НОДИРОВА. (Тикүүчи, 24 ёш)

— Агар менга калитарини ва чиройлиқини айиште турмушга чиқини тақлиф қилишганида, зарчи иш жойи тадин бўлмаса-да ушана турмушга чиқардим. Харақтери яхши бўлса бўлди. Бугунги ўзим тўғрилоб олардим. Мен заманга қараб яшашни эмас, балки ўзимга қараб яшашни хоҳлайман.

Қизлар билан Нилуфар НУРИДДИНОВА учрашди

Ахир испорити «Мелбуэт уртинлар»

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ 64654 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна соми

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маълум)

Қимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64654

п.а. шой (нашр кўрсаткичи)

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ (нашр номи)

обуна баҳоси | обуна соми

яни маънавиятга юбориш баҳоси | сум

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маълум)

Қимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Сайёра ШОЕВА, ТошДД

Машхур тасаввуф шайхи, кўплаб китоблар муаллифи Абдуллоҳ Ансорий (1006 — 1088) қаламига мансуб "Тухфат ул-мулк" ("Шоҳларга тухфа") рисоласи Салжукий шоҳлар вазири — Низомулмулк бағишлаб ёзилган. Бу икки шахс яқин дўстона муносабатда бўлганлар. Рисоланинг кўлэзма ва тошбосма нусхалари Тошкент ва Москвадаги Шарқшунослик институтлари, Ленинград давлат оммавий кутубхонаси, жамгармаларида сақланмоқда.

"Тухфат ул-мулк" асрлар давомида фақат шоҳлар ёки вазирлар учун эмас, балки кенг халқ оммаси учун ҳам кундалик турмушда зарур насихатлар мажмуаси сифатида тилдан-тилга, кўлдан-кўлга ўтиб келган.

Абдуллоҳ Ансорий

ТУХФАТ УЛ-МУЛК

Алҳамдулиллоҳ рабб ил-оламини учинчи боб шу ҳақдаки ва салават ило Муҳаммад ва Оли ажмаъин.

Бу рисола донишмандлар қадимги китоблардан танлаб олган ҳикматлардан жамланган. Унинг ҳар жиғласида фойдалар бисер, ҳар раъзида хазиналар яширин, ҳар шоратида башорат бор. Шубҳасиз, бу ёқимли ўғитлардан баҳраманд бўлган бахтли киши дин ва давлат арбоблари учун зарур фазилатларни ўрганади, икки жаҳон саодатини кўлга киритади.

Бу рисола "Тухфат ул-мулк" деб номланди. У қирқ бобдан иборат



Еттинчи боб шу ҳақдаки, тўрт фазилат ҳама учун қадридир: адолат ва тўғрилик; илму ақл; сабр ва хотиржамлик; ҳаё ва шарм.

Саккизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга барча учун ёмондир: кек ва ҳасад; кибру ҳаво; нафрат ва ғазаб; касаллик ва бенавозлик.

Тўққизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга султонга офат келтиради: амрларнинг ғафлати вазирлар хиёнатини; наст одамларнинг разолатини; ёмон кўзликлар ҳасадини.

Учинчи боб шу ҳақдаки, тўрт киши билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш лозим: золим султон билан; бемор киши билан; мастлар гурӯҳи билан; яхшилик қилувчи дўст билан.

Ун биринчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга салтанатини мустаҳкамлашнинг таъминлайди: адолат ва шижоат; муруват ва футувват; саховат ва карам; марҳамат ва шафқат.

Ун иккинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга саодат калитидир: пок наслу насаб; пок қалб; пок фикр вуҷуд.

Ун учинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга жамият асосидир: тинчлик; барқорорлик; фаровонлик; осойишталик.

Ун тўртинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга давлат асосидир: шарият фарзларини бажармоқ; илоҳий мадад; танланган имом; мақбул қонулар.

Ун бешинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга бахтсизлик белгисидир: ялқовлик; жоҳиллик; нокаслик; елғизлик.

Ун олтинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга риоя қилиш ҳама учун фарздир: тоат-ибодат; насиҳат; шафқат; ҳамият.

Ун еттинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга шодлик келтиради: султоннинг мақтови; зоҳидлар дуоси; донолар баҳоси; дўстлар дийдори.

Ун саккизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга ғофил бўлмаслик лозим: султоннинг яқинлигига; риворнинг зоҳидлигига; ҳасадгўйлар насиҳатига; аёллар дўстлигига.

Ун тўққизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга ишларга раънақ бағишлайди: буюкларга ендошиш; достондаги эзгу фикрлар; адолатпешалар тадбири; дўстлар маслаҳатига қулоқ тутмоқ.

Йигирманчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга аблаҳлик белгисидир: худдисандлигу кибр; бошқалар айбини қидириш; бахиллик қилиш; хасидан марҳамат кутиш.

Йигирма биринчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга саодат калитидир: лафзу ваъдага вафо; ҳамиша тавозуъ сақлаш; ҳалола меҳнат билан кун кечириш; сирни асраш.

Йигирма иккинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга кулфат сабабчисидир: жоҳиллар билан суҳбат; нокаслар билан дўстлик; сурбет одамлар насиҳатини тингламоқ; аёллар сўзига амал қилмоқ.

Йигирма учинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсдан тийилиш лозим: шошқалоқлик ва ҳовлиқмаликдан; ғазаб ва нафратдан; бахиллик ва хасидликдан; кибру ҳаводан.

Йигирма тўртинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга фалокат келтиради: иғво ва ғийбат; ҳасад ва бахиллик, такаббурлик ва манманлик; тамаъ ва бузуқлик.

Йигирма бешинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга муваффақият ва бойлик келтиради: дўстларга муруват; душманлар билан муроса; нафсини жиловлаш; сабру қаноат.

Йигирма олтинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга эришиб бўлмайди: қисматни ўзгартирмоқ; ҳақиқатни яширмоқ; ёмон хулқли шахсни яхши қилмоқ; халқни рози этмоқ.

Йигирма саккизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга салтанатга зарар етказар: амирлар зулми вазирлар ғафлати; дабирлар хиёнатини; фақирларга ситам етказиш.

Йигирма тўққизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга тез ўтувчидир: золим ҳоким; ақлсиз дабир; ҳаром мол; чархи даврон.

Ултизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга сабаб бўлади: хусумат — расволикка ғазаб — пушаймонликка; бадгўйлик — душманликка; ялқовлик — хорликка.

Ултиз биринчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга тўрт иш билан якунланади: илм — донолик билан; тоат — покдомонлик билан; вазифа — содиқлик билан; неъмат — шукроналик билан.

Ултиз иккинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга тўрт нарсга олиб

келади: тилни тийиш — хотиржамликка; сурбетлик — шармандаликка; саховат — олийжанобликка; шукроналик — бараката.

Ултиз учинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга инсонни заифлаштиради: кўп душман; кўп ҳарз; кўп маъшуқа; фақир қариндошлар.

Ултиз тўртинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга тўрт нарсани йўққа чиқаради: ношукрлик — неъматни; золимлик — қудратни; бўшанглик — давлатни; кибру ҳаво — муруватни.

Ултиз бешинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсани қайтариб бўлмайди: айтилган сўзни; отилган ўқни; ўтган умрни; кечган фурсатни.

Ултиз олтинчи боб шу ҳақдаки, тўрт иш тўрт натижа билан тугайди: ялиниш — хорлик билан; оқибатни ўйламаслик — пушаймонлик билан; ортиқча ҳазиллашиш — шармандалик билан; султонлар билан баҳслашиш — ҳалокат билан.

Ултиз еттинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга подонлик белгисидир: синалмаган одам билан ҳазиллашмоқ; аёллардан вафо кутмоқ; аблаҳ одамлардан йироқдан деб ўйламоқ; гўдаклар даврасига қўйилмоқ.

Ултиз саккизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга умрга зиён етказди ва ўлим хавфини оширади: ортиқча шаҳватпарастлик; ҳамоножа кўп қатнаш; ифлос мева ва чала дудланган гўшт ейиш; кампирлар билан ҳалсўхбат бўлиш.

Ултиз тўққизинчи боб шу ҳақдаки, тўрт кишида ҳамиша тўрт нарсга бўлмайди: елғончида — муруват; бахилда — саодат; ҳасадгўйда — роҳат; ёмон хулқли одамда — улғулик.

Қирқинчи боб шу ҳақдаки, тўрт нарсга икки жаҳон саодатини боқийлик сабабчисидир: худо ва пайғамбар фармонини адо этмоқ; ота-онани шод қилмоқ; уламо ва донишмандлар хизматига ҳозир бўлмоқ; худои таолонинг бандаларига шафқат кўрсатмоқ.

Форсийдан

Н. МУҲАММАД таржимаси

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса апаратининг муҳри, алоқа бўлимида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция бериллади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна нарақасини сиеҳли рўчқаларда хатосиз, сўзларни кискартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна varaқасидаги «п. в.» — «мойн» деган ёзувни катта ҳарф билан ёзиш керак ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

АНОР, УЗУМ — ҚУВВАТГА БОЙ

АНОР

Халқ табобатида анор дарактининг пўстлоғи, меваси ва гули қўтир, ич буруғ, сариқ касалликларини даволашда қўлланилади. Агар мева пўстлоғининг кули сарғи ёки мол ёғи билан аралаштириб суртилса, теридаги йирингли ярачалар тезда тузалади. Мева пўстлоқларидан тайерланган қайнатма оғиз бўшлиғининг яллиғланиши билан боғлиқ бўлган хасталикларга, жумладан,

бодомчаларнинг шамоллашига (ангина) даво бўлади. Бунинг учун қайнатма билан оғиз фарғара қилиниши керак.

Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва кулоқ ҳамда бурун ичига суртиладиган доридир.

Ширин ва ачиқ анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса кўз хиралашганда шифо бўлади. Анорнинг нордони ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштиради, хафақонга

фойда қилади.

УЗУМ

Камқонлик бронхит касалликларини даволашда фойда қилади. Юмшоқлик, ширинлик ва бошқа сифатлари баробар бўлса оқи қорасидан яхшироқ. Узум таркибида 30 фоизгача қанд, оқсил, минерал сувлар мавжуд. У буйрак меъда, юрак, ичак ва жигар касалликларини даволашда ҳам кенг фойдаланилади.

Исмонд ОРОЛОВ

Дераза

БЎКИБ ҚОЛДИ

Светлана исмли Нижегородск университети толибасининг ҳаётини тиббиёт ходимлари зўрга асраб қолди. Гап шундаки, Светлананинг ширинликни яхши кўришини билган дўстлари унга тутилган кунда фақат шоколад совға қилишди. Хурсанд бўлган қиз унча-мунча эмас, "атиғи" икки ярим кило шоколадни еб қўйибди. 20 яшар қиз Гиннеснинг рекордлар китобига эмас, оғир захарланиш билан касалхонага тушди.

ТОКЛИ ЭГИЗАКЛАР

Малайзияда Моамад ва Шарил исмли эгизаклар яшайдилар. Уларга бегоналар у ёкда турсин, ҳатто ота-оналари ҳам яқинлашишга кўради. Болакайлар гаройиб хусусياتга эга, яъни уларга тегинган кишини кучли электр токи "урар" экан.

ОДАМХҲҮРЛАР

Жанубий Кореяда 6 нафар одамхўр жазога ҳукм қилинди. Улар ўрта аср афсоналарига ишониб, ўлдирилган одамлар ҳаётининг қолган умри бизга қолади деб ўйлашган ва урф бўйича одамхўрлик қилишган. Аниқланишича, улар йил давомида Сеулда 5 кишини, ўғирлаб ўлдирган. Полиция бу жиноятлар содир этилган жойдан ўт очар қурол, динамит, болта, ўлдирганларнинг пул ва тақинчоқларини топишди. Шунингдек, у ерда никобланган печка ҳам топилди. Унда бахтиқароларнинг қолдиқлари ёқиб ташланган.

Айтмоқчи, бу гуруҳнинг олтинчи аъзоси барда ишлайдиган официант қизгина котилдикларга аралашмаганлиги учун уч йил озодликдан шартли равишда махрум этилди.

ТҮРТ ОЁҚЛИК КЕЛИН

Кўпчилик матбуотларда номи бот-бот тилга олинадиган франциялик тўрт оёқлик тагалена исмли қиз нихоят 22 ёшида турмушга чиқди. Кўевнинг исми Гизлен. У 27 ёшда, истараси иссиқ, елкалари кенг, бахайбат йигит. Қизнинг айтишича, Гизлен бошқаларга ўхшаб унинг чиройли оёқларига тикилмаган, одобли, кўнгли уйғоқ йигит экан. Шундан бўлса керак у Гизленни бир кўргандаёқ севиб қолган.

ТИМСОҲ ЭТИКНИСЕВИБ ҚОЛДИ

Мексикалик Марж Алварес хотини Раул ва уларнинг жияни кўриқхонада сайр қилиб юришганида Раулнинг сув бўйида суратга тушгиси келиб қолди. Лекин, Раулни сув бўйида суратга туширгунча сув ичидан катта тимсоҳ аёл томон югуриб келди ва табиийки хотин ҳозир гажилишини ўйлаб даҳшатга тушди. Эр билан жиян ҳам ёрдамга етиб келишлари қийин эди. Лекин, тимсоҳ аёлни гажиб ташламади, балки, кўрқинчли тумшуги билан Раулнинг этигига суйкана бошлади. Одамлар бақиритидан кейин ёрдамга етиб келган кўриқхона хизматчилари тимсоҳни олов учиртириб билан зўрга хайдашди.

Аёлнинг фикрича, тимсоҳ ейшини ўйлаган ҳам эмас, чунки унинг этиги тимсоҳ терисидан тикилган бўлиб, тимсоҳ этик билан муҳаббат ўйинига келган экан.

БОШ ВАЗИР ҲАМ ҚОНУНГА БЎЙСУНДИ

Урандада йўл ҳаракатлари судининг қарорини кўпчилик олқишлар билан қутиб олди. Бунда полициячилар бош вазир қартежига йўл бермаган оддий ҳайдовчинни айблаганди. Хакам шундай қарорга келди: "Президент вазир ва уларнинг кўриқчилари йўл ҳаракатида ҳеч қандай имтиёзга эга эмас. Устига устак, уларнинг ҳайдовчилари кўп аварияларнинг сабабчиси. Имтиёзлар билан эса "тез ёрдам" ва "ўт учирувчилар бригадаси" чакирик келгандагина фойдаланиши мумкин". Шундай қилиб, ҳайдовчи айбсиз топилди.

Дарвоқе, бу қарор Урандада катта гап ҳисобланади. Масалан, диктатор Амин ҳукмронлиги даврида "бошқиларга" йўл бермаган ҳайдовчинни кўриқчилар жойида отиб ташлашган экан.

ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурати

Габриклаймиз!

Хурматли падари ИРА,
бузрукворимиз Хайрулла
ТУРСУНОВ!

Сизни 56 ёшга тўлганингиз муносабати билан табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг, деб оила аъзоларингиз номидан

БАҲОДИР,

ЯККАБОҒ шахри

Азиз ва меҳрибон МОҲИРА
опажон!

Сизни таваллуд топган кунингиз ҳамда 40 баҳорни қаршилайётганингиз билан қутлаймиз. Доимо лабингиздан кулгу, чеҳрангиздан табассум аримасин. Эҳтиром ила сизни табриқлаб қолувчи синглингиз НОДИРАХОН, кўевингиз ЭРКИНЖОН ҳамда жиянингиз

ВАЗ

Тошкент шаҳри
ШАҲРИЁРЖОН!

11 ноябрь туғилган кунингиз муборак яна шундай ноябрларни 100 тасини кўргин, доимо соғ бўл. Ҳеч қачон завола топмагин. Келажакда эл хурмату ардоғига сазовор идор, ўқтам йигит бўлиб улғайгин, деб

БОТИРБЕК ва ОЙДИН

Тошкент шаҳри

Оила

38 ЁШДА

Тошкентлик. Турмуш ўртоғидан ичкилик сабаб ажрашган. Бир қиз, бир ўғилни меҳрибон, ораста онаси, келишган, меҳнатсевар, сабр-каноатли, Тошкент шаҳри еки

ҳаётини кенг тушунадиган ҳалол, соимий инсон билан бахтли оила қурмоқчи "Оила-378".

24 ЁШДА

Сирдарёдан, олий маълумотли, ҳаётда азоб-уқубатларни кўп тотган, тикувчи, пазанда, бўш вақтида бадиий адабиётлар ўқишни, ҳар хил ширинликлар пиширишни хуш кўради, ҳаётда энг яқинлари турмуш ўртоғи, фарзандлари бўлишини доим орзу қилади. Қайси вилоятдан бўлса-да касб-корли, одобли, уйим-жойим дейдиган камтарин йигит билан умр ришталарини боғламоқчи "Оила-379".

Томшабинлардан бири ўйингоҳга югуриб чиқди-да, дарвозани ишғол қилган ўйинчини кучиб, "Э қойил қилдинг" дейман деб унинг устига орзидаги носини сачратиб юборди. Аммо футболчи бунга эътибор бермай севинчдан ишқибозни даст кўтарди. Ғалабалардан илҳомланган ишқибозлар ўйинчиларни қўлма-қўл кўтаришиб осмонга ирейтишди. Деярли ўйинларнинг бари ана шундай руҳда кечарди. Бу ўзининг фидойий ишқибозларига эга бўлган "Мусулмон командаси" эди.

Тахминан 1925–26 йилларда Қўқонда "Мусулмон командаси" номи остида футбол жамоаси юзага келди. Водийнинг юрагида ўти бор йигитлари ана шундай жамоага асос солишди. Улардаги миллий гуруру, жисмоний маҳорат команда фаолиятига жуда катта таъсир ўтказди. "Ўзбеклардан ҳам футболчи чиқади?" деб ўйлаганлар, хомхал қилганлар жамоанинг довруғини эшитиб лол қолишди. Жамоанинг тез шухрат қозониши кўпчиликка қанақадир сирли туюла бошлади. Чунки "Мусулмон командаси" наинки водийда, балки Ўрта Осиё давлатлари ўртасида ҳам анча шухрат қозонди.

Қўқондаги ҳунармандлар, маҳсидўзлар, майда



савдогарлар жамоанинг асосини ташкил этишган. Футбол жамоасига 15–18 ешлар атрофидаги бақувват, эпчил, соғлом 12 йигит қабул қилинади. Команда таркибидаги ўйинчилар эса ишдан кейингина тайергарлик машқларини амалга оширишарди. Яъни улар ишдан ажралмаган ҳолда спорт машқларига фурсат топишган. Қизиги шундаки, командада фақат ўзбек йигитлари (Кимегаров деган яҳудийдан

ечимини топдим.

— **Жўра ака нега жамоангизни айнан "Мусулмон командаси" деб номлагингизлар?**

— Ўйинчиларимизнинг бари тоат-ибодатли, иймон-эътиқодли мусулмон фарзандлари бўлганлиги боис шу номни бергандик. Қарабсизки, бу ном остида ўйнайдиган футболчиларимиз деярли ичмаган, чекмаган. Бу муқаддас номга доғ туширмаган.

1928 йилги Ўрта Осиё

ташқари) тўп спартакиадасида жамоа суришган.

Ўзбек футбол аъзолари Туркманистон тарихига кирган футболчилари устидан ғалаба қозонишади. Ўйинни мириқиб бу жамоанинг томоша қилган йўлдош сардорини Охунбобоев жамоа сардори т о п и ш г а Жўра акани ҳузурига чорлаб, м у в а ф ф а қ миннатдорчилик рамзи бўлдим. Жамоа сардори Жўра моддий эҳтиёжларини ака Саидов айна қондирган. Аммо зафар кунда нафақада, 85 ешга қарамай ҳали парокандалик, хавфсизлик вужудга кела бошлади. ака билан Қолаверса, жамоага бошқа ўтмишга сайр қилиб, ўзимни аралашувини ҳам ишқибозлар ўйлантираётган қабул қила олмади. Натижада 1932 йилда жамоа тарқалиб кетди.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Барча нарсанинг мезони бўлган вақт ҳаётда уларни жой-жойига қўйди. Хусан Муҳиддинов, Камолжон Муҳиддинов деган ўйинчилар футбол, умуман спорт соҳасида ешларга тарбия бердилар. Рўзимат Қодиржон, Ҳошимжон (фамилиялари аниқ эмас) каби ўйинчилар эса ҳозирда ҳам ҳаёт эканлар.

Жамоанинг икки ўйинчиси, Жўра ака Саидов ва Убай Орипов (академиклар) илм-



фан чўққиларини забт этдилар. Бу орада жамоа аъзоларининг барчасига мактаб вазифасини ўтаган команда неча бор эса олинди. Бироқ айнан шунга ўхшаш футбол жамоаси тузишга бошқа уриниш бўлмади. Ҳеч кимда ўшанақа руҳ, шижоат топилмади.

Англаган бўлсангиз, жамоанинг энг катта сирини ишқибозлар юрагидан муҳим жой эгаллагани бўлди. Бунинг остида эса нафақат маҳорат, балки барча инсоний хислатлар, миллатпарварлик, миллий гуруру ҳам уйғундир. Буларнинг югуғи жисмоний баркамолликда эмас, маънавий баркамолликда ҳам эди.

Уш даврда миллий гуруруни, миллат шаънини футбол орқали ҳимоя қилиб чиққан бу жамоанинг марҳум ўйинчилари руҳига дуо ўқиб, гапимизни шу ерда тугатдик.

Алижон САФАРОВ



Акс-садо

“ХУДОНИНГ ҚАРЗИ”НИ ЎҚИБ...

Қизиқ одатим бор: кўчада юрганимда бирор одам менга ёқиб қолса, нимаси биландир дидимга ўтиришса, салом бераман. Агар енимдаги ҳамроҳим нотаниш кишига салом берганимдан ажабланса, "Аслида ҳаммага салом бериш керак-ку", — дейман.

Газетанинг 38-сонида эълон қилинган Алижон Зоҳидийнинг "Худонинг қарзи" мақоласида бу фикр, бу масалага анча кенг ўрин берилган. Мақолани ўқиб борарканман, унда мисол келтирилган кўчанинг, мактабнинг номи мени қувонтирди. Мен шу маҳаллада тугилиб ўсганман. Ю. Мўминов номли 274- (мақолада 174)-мактабда ўқиганман. Муаллиф ёзганидек, биргина Маҳкам Қулматов кўчасидагина эмас, бутун маҳалладаги кишиларнинг ўзаро илиқ муомаласи, ҳурмати ўрнатилганга арзийди. Оқтепа деб аталган маҳалламиздан Али Обидов, Абдулхай Абдураҳмонов, Жалолиддин Камолов, Собир Мирвалдиев каби машҳур олимлар, зиёлилар чиққан. 274-мактаб гузарда, марказда жойлашган. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги шу ерлик бўлгани учун ўқувчиларни мактабдан ташқарида ҳам назорат қилишга, тарбияга таъсир этишга имконлари бор (лекин ҳозирги кунда бу

имкониятлар ҳар сафар ҳам яхши натижа беради, деб айтолмайман).

Зиёлилар, ўқитувчилар — халқ назаридеги кишилар. Уларнинг ҳар бир ҳаракати таҳлил қилинади. Ўқитувчилар халқ орасида одобли, ақлли, тарбияли киши сифатида намоён бўлади, Бизга таълим берган ўқитувчиларимизнинг кўпчилигини шундайлар қаторида кўриш мумкин.

Мактабни битирганимдан кейин, бир иш билан ўқитувчим Ориф ака Акбаровнинг уйига бордим. Домла қаердандир келиб турган эканлар. Кўчада суҳбатлашиб турсак, уйдан 3-4 ешлардаги бола югуриб чиқди.

— Дода, — чакирди у бобосини.

Ориф ака "Ҳа", — деб ўғирилган эди, бола кўли кўксига, таъзим қилди:

— Ассалому алайкум!

Алик олгач, домла кулдилар:

— Кўрдингми, ўқитувчининг невараси шунақа тарбияли бўлади.

Бу манзарани кўриб, маҳалладаги ёшларнинг ўзаро муомаласи, салом-алиғига ўқитувчининг таъсири нақадар катта эканлигини яна бир бор ҳис қилдим.

Ирода САИДОВА



ЯНА БИР ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

Тахририятдан: Жамиятимиз ривожига болтадек урилган иллат — жиноятчиликка қарши курашаётган милиция ходимлари бугун ўз касб байрамларини нишонлашмоқда. Аниқ маълумотларга қараганда, «Оила ва жамият» га обуна бўлаётганлар орасида милиция ходимлари ҳам кўпчилик. «Оила ва жамият» газетаси тахририяти уларни ва барча милиция ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди. Масъулиятли ва шарафли вазифаларини удалашга куч-қувват тилайди.

Панжара

УЛФАТ ЭМАС КУЛФАТ ЭКАН

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги хонадонларнинг биридан чиққан марҳумнинг ўлимита яна уша қора қилмишли ароқ сабаб бўлди. Икки нафар муқаддам сулланган йигит отамлашайлик деган ниятда аввало бош қўшиб, сўнгра пул қўшиб битта яримтани очдилар. Отамлашиш ниятида очилган яримтани ярмига ҳам етказмай, жанжаллашиб қолган бу икки улфатнинг бири охирида иккинчисининг бошини «еди».

ЖИНОЯТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Наманган вилоятининг Чуст туманида яшовчи ешгина ўсмир жиноятга қўл урди. Жаҳл чикса, акл кетар, деганларидек, ўз тендоши билан сан-манга бориб қолган бу ўқувчи рақибининг қорнига пичоқ урди. Во ажаб, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган бу йигитнинг қисмати не боис бу қадар аянчали бўлмас. На чора, бу воқеа қанчалик аянчли бўлмасин: қотил қонун олдида жавоб беришга мажбур.

ОМБОРДАГИ ПЎПИСА

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида «Ника» деб номланувчи кичик корхона мавжуд. Узи кичик бўлгани билан унинг каттагина омбори ҳам бор. Бир кун дег, шу омборга кирган уч ўроқ, уларнинг бири тракторчи, иккинчиси ҳайдовчи ва учинчиси таъминотчи, ушбу корхона бошлиғи муовинини шундай қўрқитишдики, бечора эрининг жони иқиб кетган деди. Шунданми, жабрдийда анчагача ўзига келолмаган шекилли, орадан 12 кун ўтгандан сўнг бу воқеа хусусида икки ишлар ходимларига ари қилди. Зудлик билан кўрилган чора — та д бир л ар натижасида умумий қиймати салкам 90 минг сўмлик нарсаларни юлиб кетган пўписачилар ушланди. Корхонадан нималарни ўғирлагани хусусида тергов бораётган «ака»лар «она»ни нега қўрқитгани борасидаги саволга ҳам

БЕШ ТОННА ЮК ҚЎТАРУВЧИ МУДИР

Бухоро темир йўл бекатидаги контейнерлар майдончасидан бир ўрам металл арматура йўқолиб қолди. Икки ишлар ходимлари ҳар тугул салкам беш тонналик махсулотни хойнаҳой тўрт-беш киши ўғирлаган бўлса керагас, деган мақсадда қидирувин бошлаб юбордилар. Аммо не ажаби, бу махсулотни бир киши «аптаб» кетган экан. Шунчалик оғир махсулотнинг «жарангини» чиқармай гўндон қилшга улгурган «полвон» вилот агроसानот уюшмаси омборларидан бирда мудир бўлиб ишларган. Ўғирланган молларин давлатга бус-бутун қайтариб берган «полвон ўғри» ўз тажрибаси хусусида транспорт икки ишлар бўлими ходимларини пол қолдириб, ҳикоя қилиб бермоқда.

КЎЙ КЕТДИ, ЭЧКИ КЕТДИ...

Косонлик бир кам 75 ешли чолни бир йигит бошлаб лақиллатиб кетди, яъни у «Сизга гағла тўғрилаб берман» деган қуюқ ваъда билан чолнинг бир эчкис ва бир қўйини етаклаб кетганича, қайтиб қорасини кўрсатмади. Қўй, эчкининг орқасидан келадиган гағлави кутавериб диққа нафас бўлган чол, бу шайтон боланинг чув тушириб кетганини сезиб қолди. Икки ишлар ходимлари товламачи йигитни дарҳол қўйда етаклаб келдилар.

АНГРЕНДАН ЯНГИОВОБДА — «ДАМ ОЛИШ»ГА

Тошкент вилоятининг Янгиобода шаҳридаги «Каскад» дўконига эйни тонг пайтида ташриф буюришди. Эшикдан эмас, балки тешикдан ўғирлар ойналарни синдириб кирган ўғирлар, ҳар хил буюм ва қийим-кечакларга оч бўридай ташландилар. Лекин шу дам бирдан дўконнинг ташвишли чироғи ишлаб қолди. Бундан ўтақаси ерилиб кетай деган ўғирлар ушлаганини ташлаб қочмоқчи ҳам эдики, милициянинг «қўриқлаш» бўлими ходимлари уларнинг йўлини тўсиб қолди. Ангрен ишша заводда ишловчи бу икки йигит энди Янгиобода бироз муддат «дам оладиган» бўлди.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛО

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Зарафшон давлат ҳўжалигида яшовчи икки кишининг моллари бир кечада йўқолиб қолди. Бирининг 12 боқуни, иккинчисининг 2 бош қорамоли бехитёр эгаларининг уйини Бемарра тарк эттишди. Мол йўқотган жабрдийдалар зора молларини ўз оёғи билан ўйга кириб келиб қолса... деган иланжда беш-сўн кун дардин ичига ютиб юрдилар. Бирок, қарасаки, кун ўтиб бораётир, молларнинг ҳам тугул ҳатто тўғрининг шитридан ҳам дарак йўқ. мол аччиғи жон аччиғи деган гап бор. Иккови ҳам чопонининг ўнгирини қайириб, икки ишлар ходимларига чопиб борди. Ажаб л а н а р л и с шундаки — молларни ўғирлаган ўғри шу ерлик экан.

ЎҒРИЛИКДАН ҚОТИЛИК САРИ

Қарши тумани «Насар» жамоа ҳўжалигидаги янги қурилаган ҳовлиларнинг бирдан саксондан ошган кампирнинг жасади топилади. Бўғиб ўлдирилган хандакка ташлаб кетилган момонинг қотилларини топиш осон бўлмади. Тезкор тадбирлардан сўнг шу нарса маълум бўлдики, бечора момонинг уйига ўғирликка тушган уч «бақодир» ўқилмишларидан кампирнинг «хид олиб» қотиллигини сезишган жиноят изини йўқотиш мақсадида бечорани ҳам бир қўла «тинчтиб» қўя қолди. Ёғирлик тўғайри катта жиноятга қўл уриб қўйган бу эшларнинг қилгини қотилликча ўрганиб чиқайтган терговчилар яқинда ўз фикрини айтишди.



ОСОЙИШТИМ ХЎЙТ СЎБЎБЧИМЛИРИ

Собиқ Иттифоддан ажралиб чиққан айрим Республикадаги нотинч вазият хусусида баъзида у ер бу ердан еки радио-телевидениедан эшитиб, газеталарда ўқиб қолсангиз, юрагингиз увишиб кетади. Хаелингиздан наҳотки ўзга юртларда ҳануз биродарқушликни бас қилишмайди... Тўс-тўполондан кимга наф экан-а еки фалон ердаги қарбоқчиларни жиловлашга не боис давлатининг кучи етмайди, деган ўйлар кечади. Шундай кезде беихтиер шукр дейсиз. Кўз теғмасин, юртимиз тинч. Мана шундай осуда, тинч ҳаёт тарзини яратишда Республика Ички Ишлар идоралари ходимларининг беқиеес улуши салмоқли ҳиссаси бор, десак сира муволаға бўлмайди. Юргимиздаги мавжуд тартибни, осойишталикни қлаб туриш мақсадида қилинаётган ишлар кимларгадир қаттиққўлликдек, эркинликни бўғишдек ту-юлаётгандир... Аммо нима бўлганда ҳам улар тинчликни сақлашдек масъулиятли вазифасини шараф билан бажаришмоқда. Ҳатто жонларини фидо қилиб бўлса-да, элимиз тинчлиги осойишталигини сақлаб туришибди.

ДИЛ ФАРЁДИ

КИТОБ ТУМАНИ ИИБ ХОДИМИ, МИЛИЦИЯ КАПИТАНИ АБДУРАШИД НАЗАРОВ ЖИНОЯТЧИЛАР БИЛАН ОЛИШУВДА МАРДЛАРЧА КУРАШИБ ҲАЛОК БЎЛДИ.

Манғит қишлоқ боғлари га куз кўнди,
Шум хабардан ениб турган шам сўнди,
Шўрлик онанг олтишида тол йўнди,
Юлдуз бўлиб, қай га учдинг, Рашиджон?

Кетган турна қайтиб келар баҳорда,
Дала қирга қўйлар сочиб наҳорда,
Овозинг бор оқаетган анҳорда,
Ўттизингда ерни кўчдинг, Рашиджон.

Қақшаб еринг гул қўйди-ку қабринг га,
Кўз еш тўлиб тупроқ бўлган сабринг га,
Тош ерилар ох, кўрғазган жабринг га,
Ажал майин эрта ичдинг, Рашиджон!

Ўғлинг тўйи сенсиз ўтди, водариг,
Дўстлар келди, дўстлар кутди, водариг,
Фақат эслаб номи тутди водариг,
Юракларга нурдай кўчдинг, Рашиджон!

Номардлар бор олам юзи қорадир,
Гўе оташ каби юрак енадир,
Битта жоним аламлардан порадир,
Емонларга қафан бичдинг, Рашиджон!



...Асрларнинг миллион йиллик қаъридан қалқиб чикувчи, биз мукамал талқину таҳлил этгншга ожиз, талқин этологанимизда ҳам фақат уммондан томчигина насиб этадиган маҳзун ва дилхуш садолар, боқий муҳаббатнинг соҳиру жонбахш туйғулари уйғунлашган наволар нафақат ҳайратланарли, айни дамда сехру жозобага бой. Кўшиқ мажмуи муваққат масканини тарк этиб, кўноғи-миллионлаб юрак қабатларида ўз қароргоҳини топади. Бутун борлиқ руҳиятига сингиб кетади... Хонанданинг майин ва лаззатбахш хонишлари баланд-баланд тоғу тошларни-да эритиб, кишини сехрлайди. Қалбингизни лолу ҳайрон этади. Ҳаётга, яшашга бўлган интилишингизни янада сайқаллайди. Гўзаликка, само тўла юлдузлар ёғдусига митти бағрингизни тўлдириб юборади. Ҳа, куй ва кўшиқ ана шундай илоҳий қудратга эга...

сараланган асарлари оҳангини мунтазам тинглаб, ундан ўрганаман. Республика радио ва ойнаи жаҳони орқали мухлислар ҳукмига ҳавола этилаётган кўшиқларим тинимсиз изланишларим маҳсулидир. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтай. Ўзимга маъқул бўлмаган ашулани ҳаргиз саҳнада қуйламайман. Ижро этаётган кўшигим биринчи галда ўзимга манзур бўлиши лозим. Ана шундагина у бошқаларга ҳам хуш ёқиши мумкин.

— Юлдузхон, мавзудан ташқари савол. Айтнинг-чи, почтаман санъатнинг рашк қилмайдиларми?

— "Рашк иймондандир", деган муборак ҳадис бор. Бу томондан омадим юришга. Почтамангизнинг касблари гарчи санъатдан узоқ бўлса-да, у киши кўшиқни, мусиқани жон дилдан севадилар. Турмуш ўртоғини ўзининг маънавий мадажкорим деб биламан. Шу боис, уйда ҳам, саҳнада ҳам ижод қилишим учун имконим сартали.

— Ўзингизни бахтиёр санъатчи?

— Бахт биз ўйлагандан кўра, кенгроқ туншуча. Унинг "нисбий" нарсаси эканлигини ҳам ҳисобга олган ҳолда ўзимни бахтли ҳисоблайман.

— Кўнгида сақлаб юрган режаларингизнинг барчасини амалга оширддингизми?

— Йўқ, айтган кўшиқларимдан ҳали айтишга улгурмаганим кўпроқ. Қатор янги куй ва кўшиқлар яратдим. Эстрада ихлосмандлари ҳар бир оммавий чиқишимни яхши қаршилаётир. Талай режаларим, ятларим рўбга чиқяпти. Аммо ҳали ниятларим кўп. Насиб бўлса янги-янги кўшиқлар яратиб режаларим бор.

— Орзуларингиз?

— Бир дуне...

— Ҳаётда сиз амал қилдингиз шпор...

— Поқлик ва самимият. Шу иккала илоҳий қилқатга шумлик ҳамда ғараз аралашса, билинги одамлар орсидан меҳрмурувват, ўзаро инсонч кўтарилади.

— Қандай кишиларни ёқтирмайсиз?

— Сохта шон-шухратга, ўткинчи бойликка ружу қўйиб, бир умр қилган эътиқоддан юз ўтириб кетадиган субутсиз кимсаларни жиним суймайди.

— Сизнингча ҳақиқий кўшиқ нима?

— Бундай кўшиқ яратиб башт кюздан, мингдан бир кишигагина насиб этиши мумкин. Ўтмиш аждодларимиз тафаккурининг маҳсули бўлиши, тарих синовларига қалқон бўлиб келаётган ўлмас дурдоналар — "Шашмақом", "Мунёжот", "Сегоҳ", "Самарқанд баёғи", "Феруз-1" ва Хоразм суворалари сиз айтганга ҳақиқий кўшиқ намуналари ҳисобланади. Улар буғун қуйланиб, эртага унутилиб кетмайдиган, келажак авлод вақиллари талабига, жавоб бера оладиган ашулалардир. Кўшиқ бир неча асрлардан кейин ҳам тингланса, кишилар қалбидан чуқур жой олса, ана шундай кўшиқни чинакам санъат асари деб тан оламан. Илло, мазкур бахт ҳаммага насиб этсин...

— Раҳмат, Тиланингиз йўдошнингиз бўлсин.

О ОЙЛАРГА ВАЪДА БЕРДИНГ

— Юлдузхон, мумкин бўлса, мулоқотимиз ибтидосяда газетхонларга ўзингизни "муфассалроқ" таништирсангиз?

— Фаргона воҳаси қадимдан ўз ҳофизу бастакорлари, аскиябозу қизикчилари билан машҳур. Мен ҳам ушбу худонинг марҳаматига сазовор бўлган водийнинг Марғилон шаҳрида таваллуд топганимдан ғурурланаман. Бу заминда униб-ўсган ҳар бир инсон ўз Ватанининг шаънини, шавкатини оламга таратиш учун нимаки қилиши зарур бўлса, мен ҳам халқимга ана шундай бегараз хизмат кўрсатишдан ҳаминча фахрланаман.

— Дунёда қилларбон минг хил касбу-кор мавжуд бўлса-да, нима учун сиз айнан кўшиқчиликни ихтиёр этгансиз?

— Биласизку, ҳеч вақт кўшиқчилик, мусаввирлик, шоиру адиблик ҳамда созидалликни ҳунар тариқасида танлаш ярамайди. Асосий гап эса, секин-аста зоҳир бўлгучи ижодкорлик табиатини тўғри шакллантиришдир. Уйдагиларим жуда еш-литимдан раққоса каби ўйнаб, кўпгина кўшиқ сўзларини ед олганимдан ҳаминча қувониб юришган. Шундан бўлса керак, улар ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимданок санъаткор бўлишим учун зарур шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишган. Шу муҳит таъсирида Марғилондаги 15-ўрта мактабнинг 8-синфини тугатдим. 1982 йил Фарғона шаҳридаги санъат илмгоҳига ўқишга кирдим. Олий таҳсилни 1986 йилдан Топкенг Давлат Консерваториясининг "Вокал" бўлимида давом эттирдим. Ўша йили уюштирилган вокалчиларнинг республика танловида биринчи ўринни эгаллаганим эса, галдаги ижодий ютуқларим, изланишларимга кўпчирик бўлди.

— Сизга устозлик қилганлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Санъат илмгоҳида ўқиб юрган

кезларимда, мутахассислик машгулотларида Юрий Николаевич Кузнецов ва унинг қатор қалби даре сафдошларидан сабоқ олганман. Консерваторияда эса таниқли мураббий санъаткор Саодат Қобулова ва Анна Протасовалар ўргатган чуқур билим, улар берган самимий маслаҳатлар ижодимда ҳали-ҳануз асқотаётир.

— Кўшиқларингизга ким куй басталайди?

— Ўзим ва ансамблимиздаги йигитлар.

— Э, эр-ку, ҳам кўшиқ айтиб, ҳам ўзингиз мусиқа есазисизми?

— Ҳа шундай, бироқ ҳаммасига эмас. Кўнларига ўзим куй танлайман, гоҳида эса ўзим езавераман.

— Бугунги кунда қайси ижодий гуруҳда ишляясиз?

— Республика маданият ишлари вазирлигининг "Ўздавэстрада" жамоасида.

— Сиз билан бирга кимларни учратиб мумкин у ерда?

— "Боладар", "Шофайз" каби гуруҳларни. Азим Муллаханов, Нодира Султонова ва бошқа қатор еш эстрада ижрочилари билан биргаликда ижод қиламиз...

— Адашмасам, аввал Алишер Навоий номдаги опера ва балет театрида фаолият кўрсатмасдингиз?

— Ҳа, тўғри. Консерваторияда ўқиб билан бирга сиз айтган ўша театрга ишлаганман. Олий таҳсилни тугатиб ҳам бироз вақт "опера-балетда" ишлаб юрдим. Лекин ҳозир "Ўздавэстрада" даман.

— Катта саҳнага чиққан илк даврингизни унутмадингизми?

— Асло. Дастлаб мактабдаги бадий ҳаваскорлик тўғрагида шуғулланар эдим. Эсимда, ўшанда биз 6-синф болалари эдик. Тўғрагимиз Марғилонда яхши танилган эди. Ўқувчиликнинг шундай ортга қайтмас кунлари бир фабрикада берган концерт дастуримизда мен 4-5 та кўшиқ айтувдим.

Тингловчиларнинг нигоҳи, диққат-эътибори саҳнада. Оммавий йиғинларга қатнашиб, чиқишлар қилиш машқини олганимни назарда тутсақ, мақтаняпти деб ўйлангану, ўзимни деярли эркин ҳис этдим. Ҳозир мухлисларимга рўбарў бўлишдан олдин, жиддий тайёрланаман. Не ажабки, эндиликда катта издиҳомга чиқдим дегунча худди ҳасти, тақдири ҳал этилаётган кишидек қаттиқ ҳаяжонланиб, тўлқинланавераман.

— Ўз концерт дастурларингизни намойиш этиш учун хорижий давлатларда ҳам бўлгансиз?

— Ҳа, албатта чиқяптимиз... Икки марта АҚШга, Полша, Туркия ва Ҳиндистон сингари мамлакатларга дастурлар ҳозирлаб бордик. Чет элда бизнинг Ватанимизга, айнан ўзбек ашулачилиғи ҳамда рақс санъатига бўлган қизиқиш бизни гоят ҳайратга солди. Ижодий гуруҳларимиз чиқишларини чет элларда ҳар сафар илиқ қарши олишди. Уларда қайси миллатники бўлишига қарамай, санъат ва маданиятга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром билдиришаркан. Мухлисларнинг савияси баланд, диди ўткир, талаби кучли.

— Қайси шпору созидалар билан кўпроқ мулоқотда бўлгансиз?

— Муҳаммад Юсуф, Азим Суюн сингари шпирларнинг шеърларини танлаб оламан. Лекин, бирор мартаям "заказ" асосида кўшиқбоп шеър ездирганим йўқ. Созидалардан эса Мақсуд Бекмуродов, Бурҳон Бердиевлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб тураман.

— Кўшиқларингиз қай тахилда яралади?

— Бу оқшом битта ашула яратаман дея сираям ижод қилолмайди, киши. Қай фурсатда истак тугилса, ўша дам хоҳ кеча, хоҳ кундуз бўлсин ижодга киришавераман. Изланиш ва мутолоа билан доимий машгул бўламан. Дуне эстрадиси намоеналарининг

Сўхбатдош: Раҳмон ҚОДИР

<p>Бош муҳаррир: Абдуҳошим ИРИСБОЙ</p> <p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)</p>	<p>ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталиб РИЗОКУЛОВ, Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси. Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олдинган маълумотлар "Онда ва жамият"дан деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700078, Мустақиллик майдони, 5-бино. 3- қават Телефон: 39-43-95 Алижон САФАРОВ навбатчилик қилди Обуна индекси - 64654 Рўйхатга олиш №33 Буюртма №Г-1254, 19124 нусхада чоп этил- ди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.</p>
---	---	---